

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20.30.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАМИЛОВ ФАРҲОД ОБЛАКУЛОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ  
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**22.00.02. – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Sociological Sciences**

**Камилов Фарход Облакулович**

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни  
институционал такомиллаштириш.....3

**Камилов Фарход Облакулович**

Институциональное совершенствование социальной защиты детей с  
инвалидностью в Узбекистане .....23

**Kamilov Farkhod Oblakulovich**

Institutional improvement of social protection of children with disabilities in  
Uzbekistan .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.20.30.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАМИЛОВ ФАРҲОД ОБЛАКУЛОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ  
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**22.00.02. – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.(PhD)/S49 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash](http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Латипова Нодира Мухтаржановна**  
социология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сейтов Азамат Пулатович**  
социология фанлари доктори

**Юнусов Алишер Бобомурадович**  
социология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви академияси ҳузуридаги Dsc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.:(99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66, e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_\_\_- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.:(99871) 232-61-25; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Б.Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, соц.ф.д., профессор

**Ш.М.Содиқова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, соц.ф.д., профессор

**Ф.Я.Парманов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, соц.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда аҳолининг демографик ҳолатига кўра, ногиронлиги бўлган шахслар сонининг ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда, бунда жаҳондаги аҳолининг 15 % ногиронлиги бўлган инсонлар ташкил этиб, шундан 100 миллиондан ортиғи болалар ҳисобланади<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, ногиронлиги бўлган болаларнинг кўпайиши эса ҳар бир давлатнинг истиқболига хавф солиб, болаларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид давлат сиёсатини амалга оширишга сабаб бўлади. Бунда инклюзив жамиятни ривожлантиришга хизмат қилувчи ногиронликни инсон ҳуқуқларининг субъекти сифатида тан олинishi, уларга нисбатан ижтимоий ёндашувни қўллаш, ижтимоий ҳимояни кучайтиришга қаратилган тенденцияларни янада ривожлантиришни тақозо этади.

Жаҳоннинг йирик илмий марказларида ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш йўналишида бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ногиронлиги бўлган шахслар ҳаёт сифатини оширишга қаратилган баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан стигма ва дискриминацияга барҳам бериш, жамиятда уларга нисбатан юзага келадиган ноқулайликларни камайтириш, маҳсулот ва хизматларнинг қулайлигини таъминлаш, тенг ҳуқуқлилиқ сиёсатини олиб бориш, оила қуриш ҳуқуқини таъминлаш, уларни даволаш, инклюзив таълим бериш орқали жамиятга уйғунлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қилишда комплекс ёндашув зарурати илгари сурилмоқда.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими тубдан ислоҳ қилиниб, уларни ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. «Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш ва ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос «ижтимоий модели»га босқичма-босқич ўтилади»<sup>2</sup>. Ногиронлиги бўлган болаларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун «тўсиксиз муҳитни» яратиш, маҳаллий даражада профессионал ижтимоий ходимлар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматларни йўлга қўйиш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини институционал такомиллаштириш учун тизимли тадқиқотлар олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида», 2021 йил 7 июндаги «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ҳақида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2022 йил 25 июлдаги ПФ-175-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш

<sup>1</sup> Обновленная информация о семьдесят четвертой сессии Всемирной ассамблеи здравоохранения – 27 мая 2021 г. URL: <https://www.who.int/ru/news/item/27-05-2021>.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //–Тошкент. Халқ сўзи, 2020, № 276 (7778)

стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5217-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган болалар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, уларни даволаш ва реабилитация қилиш, таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда улар ижтимоий ҳимоясини замон талабларига мослаштиришни давр тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарларидаги «Инсон кадрлари учун» тамойили асосида Янги Ўзбекистонда инклюзив ривожланишни амалга ошириш мақсадида ногиронлиги бўлган шахслар – «муаммоси бор инсонлар» деган қарашдан воз кечиб, улар имкониятини кенгайтириш учун, аввало, ижтимоий-иқтисодий тизимни такомиллаштириш, ногиронликни белгилашни соддалаштириш, ногиронлиги бўлган болаларнинг жамият ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиши учун қулай муҳит яратиш бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди<sup>3</sup>.

Шарқда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини, хусусан, ногиронлиги бўлган инсонларнинг ижтимоий муаммолари ва уларни ҳал қилишга доир илк фикрлар энг қадимги динлардан бўлган зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»<sup>4</sup>да, Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган<sup>5</sup>. Марказий Осиёга Ислом динининг кириб келиши билан ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларга ғамхўрлик қилиш масалалари янада ривожлантирилди. Хусусан, муқаддас Қуръони каримда, буюк ҳадисшунос олим Имом ал-Бухорийнинг машҳур «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» асарида фақир, камбағал, етим-есирлар ва ижтимоий кўмакка муҳтож болаларга хайр-эҳсон қилиш, закот ва садақа беришга даъват қилиниб, бу муҳим ибодат амаллардан саналган<sup>6</sup>. Буюк соҳибқирон

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 декабрь - Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Ўзбекистон халқига Мурожаати. //–Тошкент. Халқ сўзи, 2020, № 253 (8002)

<sup>4</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам тарж.– Тошкент: «Шарқ», 2001. –Б.152.

<sup>5</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: «Халқ мероси»,1993. –Б.159; Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. –Тошкент: «Шарқ». 2020. –Б.688; Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат. 1983. –Б.36; Алишер Навоий. Хайрат ул-аброр. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашр, 1989. –Б.254.

<sup>6</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. «Қуръони Карим» ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. – Тошкент: «Nilol Nashr», 2017. –Б.33; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. «Ал-жомеъ ас-

Амир Темур давлатида ҳам насл тозалигига алоҳида эътибор берилиб, жамиятда ногиронлиги бўлган болалар туғилишининг олдини олиш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ижтимоий сиёсат даражасига кўтарилган<sup>7</sup>.

Мамлакатимиз социолог олимлари М.Бекмуродов, А.Умаров, А.Холбеков, М.Ганиева, Т.Матибаев, Ш.Содиқова, О.Абдуазимов, А.Сеитов, Н.Латипова, А.Юнусов, З.Узаковалар ногиронликка билвосита таъсир этувчи омилларни ўрганишга доир муҳим қарашларни ўз илмий тадқиқотларида илгари суришган<sup>8</sup>.

Хорижда социологиянинг мумтоз вакиллари Э.Дюркгейм, М.Вебер, Э.Фромм, К.Дэвис, Р.Мертон, Т.Парсонс, И.Гофман ва бошқа олимлар ўз асарларида ногиронлик муаммоларини социологик жиҳатдан ўрганишга алоҳида эътибор қаратишган<sup>9</sup>. МДХ давлатлари олимларидан К.Денсон, Е.Ярская-Смирнова, Э.Наберушкина, П.Романов, Н.Скок<sup>10</sup>лар ўз тадқиқотларида ногиронлик муаммосини ижтимоий-маданий омиллар орқали қиёсий таҳлил этишган бўлса, М.Реут, Д.Ильичевлар эса ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ўрганишда дифференциаллашган ёндашувни қўллаш бўйича муҳим қарашларни илгари суришган<sup>11</sup>.

---

сахих» (Арабчадан Зокиржон Исмоил таржимаси) –Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991. 1-жилд. – Б.279-280.

<sup>7</sup> Амир Темур. Темур тузуклари. –Тошкент: «Илм-зиё-заковат», 2020. –Б.67.

<sup>8</sup> Бекмуродов М.Б. Роль образовательных учреждений в подготовке социальных работников высшей квалификации «Бола ва замон» Тошкент. 2009, №1, –Б.10-13; Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли: Соц. фан.док... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. –Б.65; Холбеков А. Социология молодежи. Учебное пособие. –Ташкент: Университет, 2020; Ганиева М.Х. Социокультурная адаптация детей с ограниченными возможностями как направление социальной защиты. //Общественное мнение. Права человека. Ташкент:2018. №4. –С.35-45.; Матибаев Т.Б. Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш омиллари: Соц. фан. док... дисс. –Тошкент, 2017; Содиқова Ш.М. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили. Соц. фан.док... дисс. автореф. –Тошкент.2016; Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни. Соц. фан. док...дисс. – Тошкент, 2017; Сеитов А. Социологическое видение восточной цивилизации: генезис и дальнейшие перспективы. Монография. –Ташкент: Из-во нац. библиотеки Узбекистана им. Алишера Навои. 2019; Латипова Н.М. Ўзбекистонда оила ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш. Соц. фан.док... дисс. автореф. – Тошкент. 2020; Юнусов А.Б. Ижтимоий меъёрдан оғиш сабаблари// «Ижтимоий тадқиқотлар» журн. Тошкент. 2020, №1. –Б.55-56; Узакова З.Ф. Алоҳида эҳтиёжли ёшларнинг ижтимоийлашуви, меҳнатга интеграциялашувининг ўзига хос хусусиятлари. Соц.фан.бўйича фалс.док.(PhD) дисс. –Тошкент. 2019.

<sup>9</sup> Дюркгейм Э. Ценностные и реальные суждения. //Социологические исследования. 1991. №2. –С.7-15; Вебер М. Избранные произведения. Пер с нем. Давыдова Ю.Н. –М.: «Прогресс» 1990. –С.495; Фромм Э. Бегство от свободы. –М: «Прогресс». 1995. –С.236; Мертон Р. Референтная группа и социальная структура – М.: Инс молодежи. 1991. –С.258; Парсонс Т. О структуре социального действия –М.: «Анкд.Проект», 2000 – С.879; Davis K. and Moore W. Some principles of stratification. American Sociological Review. //American Sociological Association. Washington, DC 1945. Apr. Vol. 10. №2. P.242–249; Гофман И. Часть 1. Стигма и социальная идентичность. Социологический форум. –М: 2001–С.3-4.

<sup>10</sup> Денсон К. Независимая жизнь. Проблемы общественного сознания. //Американская реабилитация// 1989. №4. –С.5; Романов П., Ярская-Смирнова Е. Политика инвалидности: социальное гражданство инвалидов в современной России. –Саратов: «Научная книга», 2006. –С.260; Скок Н. Социальная регуляция потенциала лиц с особыми потребностями. –Тюмень: «Вектор-Бук», 2004. –С.212.

<sup>11</sup> Ковалева А.И., Реут М. Н. Социализация неслышащей молодежи. —М.:«Социум», 2001. —С.222; Ильичев Д. Социальная реабилитация лиц с комплексным дефектом (социологический аспект). Автореф диссертации на соис канд. соц. наук. – М.: 2004.–С.21.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган болаларнинг жамиятга уйғунлашуви йўналишида фанлараро илмий тадқиқотлар олиб борилган, бироқ миллий социологияда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий муаммоларини илмий-назарий ўрганишда институционал ёндашув тажрибаси етарли эмаслиги диссертант томонидан мазкур мавзунини тадқиқот предмети сифатида ўрганишга ундади.

**Диссертация мавзусининг олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишларига мувофиқ А-ОТ-2021-61 «Оилаларга сифатли ва тезкор ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун мобиль илова яратиш» номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Янги Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини социологик тадқиқ этиш орқали институционал такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ўрганишнинг назарий-методологик жиҳатларини таҳлил қилиш;

«болалар ногиронлиги» тушунчаси ва унинг институционаллашув хусусиятини тадқиқ этиш;

ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишда хориж тажрибасини ўрганиш;

ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлашда комплекс ёндашувнинг ўзига хос хусусиятини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ташкилий тузилмасини функционал ёндашув орқали ўрганиш;

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини амалий социологик тадқиқотлар асосида ўрганиш орқали институционал такомиллаштиришнинг оптимал йўллари ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимидан иборатдир.

**Тадқиқотнинг предмети** ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни институционал такомиллаштириш имкониятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли таҳлил, функционал таҳлил, қиёсий таҳлил, контент таҳлил, анкета сўрови, фокус-гурух (интервью), эксперт сўров усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инклюзив таълим тизимини ривожлантиришда ота-оналар учун ахборот-консалтинг хизматини йўлга қўйиш, ўқитувчиларнинг ногиронлиги бўлган болалар билан коммуникатив кўникмаларини ошириш, ижтимоий педагог институтини жорий этиш, инклюзив мактаб стандартларини ишлаб чиқишнинг аҳамияти социологик асосланган;

ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналари ёхуд уларнинг ўрнини

босувчи шахсларни ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлашда «ота-оналар-ота-оналарга», «parents to parents» тамойилини (ота-оналарнинг бир-бирига ёрдами, оилани қўллаб-қувватлаш дастурини кенг жорий этиш, ота-оналар клубларини ташкил этиш)ни кенг қўллашнинг ижтимоий натижадорлиги исботланган;

«инсон қадрини улуғлаш» тамойили асосида ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришда (тиббий-ижтимоий экспертиза, ногиронлик бўйича статистикани юритиш) «маҳаллабай» ёндашуви асосида уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва ижтимоий вазиятини ўрганиш, ижтимоий ҳимоя хизматларига қамраб олиш орқали жамиятга интеграция қилиш имкониятлари кенгайтириши асосланган;

ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини институционал такомиллаштиришда ягона масъул органни белгилаш асосида ҳимояни хайрияга айлантириб эмас, балки уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш орқали эришиш имкониятлари очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ногиронлик муаммоларини институционал ўрганишнинг назарий-методологик асослари тизимли тадқиқ этилган;

«болалар ногиронлиги» тушунчаси ва унинг институционаллашув хусусиятлари илмий-амалий тавсифланган;

ногиронлиги бўлган болаларнинг институционал муассасаларга тушиб қолиши ва уларнинг ноинституционаллашувини таъминлаш имкониятлари очиқ берилган;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини институционал такомиллаштиришда ягона масъул органни белгилаш орқали ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга доир таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар доирасида фойдаланилган маълумотлар расмий манбалардан олингани, ишнинг эмпирик қисмида ўтказилган социологик тадқиқотлар анкетали сўровнома, фокус-гурух ва эксперт сўров методларига асослангани илмий янгиликларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштиришда социологик ёндашувнинг илмий-концептуал ва инновацион омилларини чуқурроқ англаб етишга хизмат қилади. Шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни институционал такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини мустаҳкамлаш жиҳатларини чуқур тадқиқ этишга бағишланган махсус илмий ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими мутасадди ташкилотлар

фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини оширишда соҳага доир давлат дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Шунингдек, диссертация тадқиқоти ғоя ва материалларидан «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотларда, олий ўқув юртларида «Ижтимоий сиёсат», «Ногиронлиги бор шахслар билан ижтимоий иш», «Болалар, ёшларнинг ижтимоий ҳимояси ва таъминоти», «Аҳолининг турли гуруҳлари билан ижтимоий иш» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ҳамда ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни институционал такомиллаштириш механизмлари муаммосини ўрганиш асосида:

инклюзив таълим тизимини ривожлантиришда ота-оналар учун ахборот-консалтинг хизматини йўлга қўйиш, ўқитувчиларнинг ногиронлиги бўлган болалар билан коммуникатив кўникмаларини ошириш, ижтимоий педагог институтини жорий этиш, инклюзив мактаб стандартларини ишлаб чиқишнинг аҳамияти социологик асосланганлигига оид маълумотидан Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2021 йилда «Фуқаролар ижтимоий ҳимояси тўғрисида: ҳолати, кутилмалар ва истиқболлари» мавзусида ўтказилган социологик тадқиқотлардаги анкетада «А» блокада 5 та, «В» блокада 5 та, «С» блокада 4 та саволларни тузишда фойдаланилган. («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2021 йил 6 августдаги 01-16/227-сонли маълумотномаси). Натижалар ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни институционал такомиллаштиришда инклюзив жамиятни ривожлантириш ҳамда уларга нисбатан стигма ва дискриминацияга барҳам бериш, «тўсиқсиз муҳит»ни яратиш ва ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналари ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахсларни ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлашда «ота-оналар-ота-оналарга», «parents to parents» тамойилини (ота-оналарнинг бир-бирига ёрдами, оилани қўллаб-қувватлаш дастурини кенг жорий этиш, ота-оналар клубларини ташкил этиш)ни кенг қўллашнинг ижтимоий натижадорлиги асослантилганлигига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4860-сон «Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган 2020-2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепциясини 2020-2021 йилларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасининг III бўлимидаги «в» банди «инклюзив таълим жараёнида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, боланинг жисмонан соғлом ва бақувват шаклланишига эришиш»нинг «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан

ота-оналар ўртасида инклюзив таълим тизими тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш» йўналишини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 9 августдаги 06-06/2-1865-сонли маълумотномаси). Натижада ногиронлиги бўлган ўқувчиларни барча болалар билан биргаликда таълим олиши, ота-оналар бир бири билан тажриба алмашиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилган;

«инсон қадрини улуғлаш» тамойили асосида ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришда (тиббий-ижтимоий экспертиза, ногиронлик бўйича статистикани юритиш) «маҳаллабай» ёндашуви асосида уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва ижтимоий вазиятини ўрганиш, ижтимоий ҳимоя хизматларига қамраб олиш орқали жамиятга интеграция қилиш имкониятлари кенгайтириш асосланганлигига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон Фармони билан тасдиқланган «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича» чора-тадбирлар режасининг 15-бандини «Ногиронлиги бўлган болалар оилага тарбияга олинганда уларни патронаж билан қамраб олиш ва зарур тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш» ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2021 йил 28 июндаги 06/235-сонли маълумотномаси). Натижада ногиронлиги бўлган болаларни жамиятга ижтимоий мослаштириш, уларни ижтимоий хизматларга қамраб олиш имконияти кенгайтирилади;

ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини институционал такомиллаштиришда ягона масъул органни белгилаш асосида ҳимояни хайрияга айлантириб эмас, балки уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш орқали эришиш имкониятлари очиб берилганлигига оид маълумотидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг «85-мақсаднинг «Ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш бўйича давлат органини белгилаш» деб номланган 311-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциациясининг 2021 йил 15 августдаги 178-сонли маълумотномаси). Натижада ижтимоий ҳимояга оид давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва бошқаришда ягона органни ташкил этиш орқали ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилаётган бюджет маблағларини мақсадли сарфлаш бўйича мутасадди ташкилот ва идораларга таклиф ва тавсиялар бериш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот иши 3 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси натижалари бўйича жами 10 дан ортиқ илмий иш чоп этилган, хусусан, ОАК рўйхатида келтирилган журналларда 6 та илмий мақола, шу жумладан, чет эл журналларида 2 та илмий мақола, илмий-амалий конференцияларда 7 та маъруза ва тезислар нашр қилинган

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, 9 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг илмий янгилиги асосланган. Тадқиқотнинг объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган бўлиб, учта параграфдан иборат. Ушбу бобда ногиронлиги бўлган болалар билан ишлаш тизими ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари назарий-методологик жиҳатдан таҳлил этилган. Ногиронлик ҳодисасининг илмий ўрганилиши ҳамда «болалар ногиронлиги» тушунчаси ва институционаллашув хусусиятларига оид социологик ёндашувлар ўрганилган. Ногиронлиги бўлган болаларнинг меъёрий ҳаётий фаолиятида дуч келаётган ижтимоий тўсиқларнинг социологик таҳлили амалга оширилди. Жамият тараққиётининг турли даврларида ногиронлиги бўлган болаларга жамиятнинг муносабати, оилада ногиронлиги бўлган болаларнинг туғилиши ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид ёндашув турлича бўлган. Ногиронлик муаммолари ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид дастлабки назариялар зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да, кейинчалик Шарқ мутафаккирлари Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Марказий Осиёга Исломи динининг кириб келиши билан ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларга ғамхўрлик қилиш масалалари янада ривожланди, хусусан, муқаддас «Қуръони карим» китобида, буюк ҳадисшунос олим Имом ал-Бухорийнинг машҳур «Ал-жомеъ ас-саҳих» номли асарида фақир, камбағал, етим-есирлар ва ижтимоий кўмакка муҳтож болаларга хайрия қилиш даъват қилинган. Буюк саркарда Амир Темур давлатида ҳам насл тозалигига алоҳида эътибор берилиб, жамиятда ногиронлиги бўлган болалар туғилишининг олдини олиш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ижтимоий сиёсат даражасига кўтарилган. Ғарб адабиётларида «ногирон» тушунчасини таърифлаш ва

тасаввур этишда ногиронлик моделларига эътибор қаратиш зарурлиги асослаб берилган. Кейинги вақтларда жаҳон илм-фанида ногиронлик муаммоларини илмий тадқиқ этишда дифференциаллашган ёндашув илгари сурилмоқда. Хусусан, М.Реут заиф эшитувчи ёшларнинг ижтимоийлашуви хусусиятларини очиб беради, Д.Ильичев комплекс физиологик нуқсонларга эга шахсларнинг ижтимоий ҳолатини ёритади<sup>12</sup>. Миллий социологияда ногиронлиги бўлган болалар билан ишлаш масалаларини касалликлар туркуми ва классификацияси бўйича ўрганиш, яъни (аутизм, даун синдроми, болалар церебрал фалажи ташхисига эга болалар) ногиронликнинг ҳар бир тури социология фанининг махсус тадқиқот объекти бўлиши лозим. Диссертант томонидан миллий социологияда ногиронлиги бўлган шахслар муаммоларини илмий-амалий ўрганишда институционал тизим яратиш зарурати илгари сурилган.

Диссертациянинг «**Ногиронлиги бўлган болалар ҳуқуқларининг ижтимоий меъёрлари**» деб номланган иккинчи бобида ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлашнинг халқаро ва миллий қонунчилик асослари ёритилган, шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишда илғор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилди. Социолог, демограф, иқтисодчи ва ижтимоий иш ходимларининг «ижтимоий ҳимоя» тушунчасига нисбатан ёндашувлари таҳлил этилди. Шунингдек, ривожланган давлатлар қонунчилиги ҳамда БМТ тизимидаги халқаро ташкилотларнинг конвенция ва тавсияларини ишлаб чиқишда «ижтимоий ҳимоя» тушунчасига берилган таърифлари ўрганилди. Илмий нашрда ва адабиётларда «ижтимоий ҳимоя» асосан, аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож гуруҳларига нисбатан моддий ёрдам бериш билан боғлиқ тушунча сифатида ифодаланади. Диссертантнинг фикрича, ижтимоий ҳимоянинг умумэтироф этилган халқаро меъёрлари ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий ҳимоя бўйича тадқиқотлар олиб боришда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, диссертант томонидан ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш субъектлари классификация қилинди.

Ҳозирда халқаро ташкилотлар ва жаҳон ҳамжамияти томонидан ногиронликнинг «ижтимоий модели»га ўтиш илгари сурилмоқда. Ногиронликка ижтимоий ёндашув АҚШ, Буюк Британия ва Швецияда давлат даражасида расман тан олинган<sup>13</sup>. Мамлакатимизда миллий қонунчилик таҳлили ва жамият муносабатидаги ногиронлик талқини ҳамда таърифи ижтимоий модел ёндашувига асосланмаган. Жамиятда оилалар ногиронлик муаммосига дуч келганданок, атрофдагилар томонидан уларга нисбатан ҳомийлик ва хайрия объекти сифатида қарашни бошлашади. Ижтимоий моделга ўтиш ва ногиронлиги бўлган шахсларга қулай муҳит ҳамда тенг

---

<sup>12</sup> Ильичев Д. Социальная реабилитация лиц с комплексным дефектом (социологический аспект). Автореф. дисс на соис. степ. канд. соц. наук. –Москва: 2004. –С.21.

<sup>13</sup> Списки стран, подписавших и ратифицировавших Конвенцию и Протокол (англ.). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шартномалар тўплами веб сайти.

имкониятлар яратиш бўйича илғор хорижий тажрибага кўра, эътиборни ҳомийлик ёки хайрияга эмас, уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратиш, инклюзив жамият барпо этиш масаласини умуммиллий ҳаракатга айлантириш яхши самара беришини кўрсатди. Диссертантнинг фикрига кўра, жамиятда ҳамон ногиронликнинг тиббий ва хайрия моделлари элементлари сақланиб қолмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибасида «Ногиронлиги бўлган шахслар учун – барча энг яхши нарсалар» тамойилига амал қилиниб, объект ва хизматлар қулайлигига алоҳида эътибор қаратилади. АҚШда ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳаракатланиши учун қулай муҳит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Агар ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳаракатланиши учун қулай шароитлар бўлмаса, кичкина дўкон ёки дорихона ҳам очиш мумкин эмас. Буюк Британияда ногиронликни белгилашнинг соддалаштирилган тизими мавжуд. Ногиронлик нафақасини расмийлаштириш ва жамоат транспортдан фойдаланишда имтиёзга эга бўлиш учун биргина терапевт-шифокорнинг тиббий кўриги етарли бўлади. Демак, ногиронликнинг «ижтимоий модели»га ўтиш уларни ижтимоий хизматларга қамраб олиш имкониятларини янада кенгайтиради.

**«Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни институционал такомиллаштиришнинг эмпирик таҳлили»** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялашнинг ташкилий-функционал тузилмаси, ногиронлиги бўлган болалар билан ижтимоий иш олиб боришнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигининг социологик таҳлили ҳамда ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш механизмлари тадқиқ этилди.


Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя функциялари турли вазирлик ва идоралар ўртасида тақсимланганлиги боис, бу одамларни қийин ҳаётий вазиятдан чиқариш учун зарур бўлган умумий қараш ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини бермаяпти. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими институционал тарқоқ ҳолатда бўлиб, вазифа ҳамда функциялар бир нечта вазирлик ва идоралар ўртасида тақсимланган. Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ташкилий-тузилмавий ҳамда функционал таҳлили амалга оширилган. Диссертантнинг фикрича, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини институционал такомиллаштириш уларни қийин ҳаётий вазиятдан чиқариш учун зарур бўлган ягона ёндашув ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради. Маҳалла даражасида ногиронлиги бўлган болаларга профессионал ижтимоий иш ходимлари томонидан тақдим этиладиган ижтимоий хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш орқали ногиронлиги бўлган болалар институционал муассасаларга тушишининг олдини олиш ва ота-оналар меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имконияти ошади. Диссертантнинг фикрича, бугунги кунда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг моҳиятини ҳам ўзгартириш кун

тартибига чиқмоқда. Ижтимоий ҳимояда ҳам инклюзивликни таъминлаш, ногиронлиги бўлган болаларни бутун ҳаёт циклининг барча босқичларида қўллаб-қувватлаш лозим. Инклюзив ижтимоий ҳимоя тизими ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан камситилиш, стигма, стеротиплар, атроф-муҳит ва муносабат тўсиқларини енгиб ўтишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидан иборат. Ногиронлик шундай жараёнки, ногиронликнинг даражаси ва оқибатлари ёшга қараб, айниқса, уларда соғлиғи, таълим ва ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ хатарлар ёш улғайган сари ўзгариб бориши кузатилади. Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш самарадорлигини оширишда уларнинг эҳтиёжларини яқка тартибда баҳолаш ҳамда ногиронлик оқибатлари ва касалликнинг оғирлик даражасига қараб имтиёзлар ва нафақа миқдорини табақалаштиришда «имтиёзлар+хизматлар» комплекс ёндашувни қўллаш яхши самара беради. Бугунги кунда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар 50 та боланинг 1 нафарига ногиронликнинг муайян тури мавжуд<sup>14</sup>. Шу боисдан, ногиронликни келтириб чиқарувчи ижтимоий омиллар таҳлил қилинди. Ногиронлиги бўлган болаларга ўз ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш ва жамиятга қўшилишга имкон берадиган, унинг бутун ҳаёти давомида зарур бўладиган нафақа ва ижтимоий хизматларга қамраб олиш ҳамда имтиёзларни қўллаш каби вазифаларни амалга ошириш билан бирга ногиронликнинг олдини олиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим устувор йўналишига айлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган болаларни институционал такомиллаштиришнинг эмпирик таҳлили сифатида тадқиқотчи томонидан 2020 йил сентябрь-ноябрь ойларида «Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимояси: ҳолат, муаммолар ва ечимлар» мавзусида социологик сўров ўтказилиб<sup>15</sup>, ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан жамоатчиликнинг муносабати, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари таҳлил этилди. Социологик сўров республика бўйича жами 1100 нафар респондент орасида ўтказилиб, тадқиқот танламаси аҳолининг жинси, ёши, маълумоти ва яшаш ҳудуди бўйича олинди. Сўровда иштирок этганларнинг 65% шахар, 35% қишлоқ аҳолиси, 33% эркақлар, 67% хотин-қизлар, ўрта ва ўрта махсус маълумотлилар 31%, олий маълумотлилар 69% ни ташкил этди. Сўровда иштирок этганларнинг ёш бўйича тақсимооти қуйидагича бўлди: 18-24 ёш 34%, 25-30 ёш 19%, 31-45 ёш 39%, 46-60 ёш ва ундан катталар 8%. Респондентларга йўналтирилган дастлабки савол: «Сизнингча, халқ орасида ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан қандай атама кўпроқ қўлланилади?» мазмунида бўлиб, ушбу саволга берилган жавоблар қуйидагича бўлди (1-расм):

<sup>14</sup> Инвалидность и здоровье. Всемирная организация здравоохранения. Глобальный веб-сайт.

<sup>15</sup> Мазкур тадқиқотда 2020 йил сентябрь, октябрь, ноябрь ойларида республиканинг барча ҳудудларидан 1100 нафар респондент қамраб олиниб, сўровнома аҳоли ўртасида онлайн ўтказилди.




1-расм. «Сизнингча, халқ орасида ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан қандай атама кўпроқ қўлланилади?»

Респондентларнинг 45% «ногирон бола» атамаси, 27% «имконияти чекланган бола», 19% «ногиронлиги бўлган бола», 9% «алоҳида эҳтиёжли бола» атамаларидан кундалик ҳаётда фойдаланишларини қайд этиб ўтишган. Сўров натижалари ва қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, жамиятда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан камситувчи терминалогиядан фойдаланиш ҳолати ҳамон сақланиб қолмоқда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзлари ҳам ушбу атамани ёқтиришмайди. Ногиронлиги бўлган шахсларга оид жаҳон стандартларида кимдир ҳақида гапирганда, аввало, унга шахс сифатида ёндашиш, кейин унинг касаллиги ёки ўзига хослиги ҳақида гапириш лозим. Бугунги кунда «ногирон» атамасини ишлатмаслик фикри илгари сурилмоқда, зеро ушбу атама камситувчи ва таҳқирловчи хусусиятни ўзида акс эттиради, бу эса уларга нисбатан стереотип ва стигмани шакллантиради. Ногиронликнинг инсон ҳуқуқлари модели талабларига ҳам мос келмайди.

Оила болани тарбиялашнинг энг мақбул шакли ҳисобланади. Илғор хорижий тажрибада институционал муассасалардан воз кечилиб, болани оилада тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада респондентларнинг фикрини ўрганиш мақсадида «Сизнингча, ногиронлиги бўлган болаларни қаерда тарбиялаш ва ўқитиш керак?» деган савол билан мурожаат қилдик.

Респондентларнинг 48 % ногиронлиги бўлган болалар институционал ва махсус ихтисослаштирилган муассасаларда ўқиши ва тарбияланиши, 44 % ногиронлиги бўлган болалар оилада тарбияланиши керак, деб ҳисоблайдилар (2-расм).



2-расм. «Сизнингча, ногиронлиги бўлган болаларни қаерда тарбиялаш ва ўқитиш керак?»

Ушбу савол натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, ногиронлиги бўлган болалар оилада эмас, балки махсус муассасаларда ўқиши ва тарбияланиши лозим, деган фикр жамиятда ҳамон сақланиб қолаётганлиги, мамлакатимизда институционал муассасалар ва уларда тарбияланаётган болалар сонининг ўсиб боришига таъсир ўтказмоқда. Бугунги кунда юртимизда ногиронлиги бўлган болалар учун “Мурувват” болалар уйлари сони 7 та бўлиб, жами 2013 нафар бола тарбияланмоқда<sup>16</sup>. (1-жадвал)

1-жадвал.

**“Мурувват” болалар уйлари тўғрисида маълумот<sup>17</sup>**


| №           | Тиббий-ижтимоий муассасалар номи     | Тарбияланаётган болалар сони |
|-------------|--------------------------------------|------------------------------|
| 1           | Қўрғонтепа “Мурувват” болалар уйи    | 297                          |
| 2           | Бухоро “Мурувват” болалар уйи        | 280                          |
| 3           | Қарши “Мурувват” болалар уйи         | 300                          |
| 4           | Қумқўғон “Мурувват” болалар уйи      | 102                          |
| 5           | Фарғона “Мурувват” болалар уйи       | 260                          |
| 6           | Тошкент 1-сон “Мурувват” болалар уйи | 320                          |
| 7           | Тошкент 2-сон “Мурувват” болалар уйи | 454                          |
| <b>ЖАМИ</b> |                                      | <b>2 013</b>                 |

Тадқиқотлар кўрсатишича, пандемия даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, айниқса, камбағаллик таъсирига тушиб қолган оилаларнинг эҳтиёжи ошган. Маҳалла раислари фикрича, 56 % камбағаллик таъсирига тушган фуқаролар, 42 % кексалар, 24 % ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари юқори бўлган<sup>18</sup>. Ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оилалари ногиронлик билан боғлиқ қўшимча харажатлар туфайли оиланинг ижтимоий ҳолати ва турмуш шароитларини яхши, деб бўлмайти. Ногиронлиги бўлган бола билан соғлом боланинг харажатлари таққосланганда ногиронлиги бўлган бола учун харажатлар икки-уч баробар кўп. Респондентларга «Сизнингча, ногиронлиги бўлган фарзанди бор оилаларнинг даромади қай даражада?» деган савол билан мурожаат қилганимизда сўровда иштирок этганларнинг 39 % оиланинг даромади ногиронлиги бўлган боланинг эҳтиёжларини қондиришга етмайди, деб ҳисоблашади. Шунингдек, респондентларнинг 30 % ногиронлиги бўлган болага доимий эътибор ва парвариш лозимлиги сабабли оилада ота-онанинг бирдек ишлаш имконияти йўқ, 31 % оилани асосан атрофдагилар (қариндошлар, яқинлар) қўллаб-қувватлайди, деб ҳисоблашади (3-расм).

<sup>16</sup> 2020 йил 3 декабрда Сурхондарё вилоятида Қумқўғон “Мурувват” болалар уйи очилган.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг 2021 йилдаги 30/119-сонли маълумотномаси.

<sup>18</sup> Всемирный банк в Узбекистане. Экономическое и социальное воздействие COVID-19: Обновленная информация проекта «Слушая граждан Узбекистана» по состоянию на июнь 2020 года.



**3-расм. «Сизнингча, ногиронлиги бўлган фарзанди бор oilаларнинг даромади қай даражада?»**

